“ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК” ҚЎЛЁЗМАСИ ВА МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ ИЛМИЙ-ГЕОГРАФИК МЕРОСИ ҲАҚИДА

Қудратулла Омонов

Тошкент давлат шарқшунослик университети проректори, филология фанлари доктори, профессор

Маҳмуд Кошғарий жаҳон фани тарихида буюк турколог, лаҳжашунос ва қиёсий услуб асосчиларидан бири сифатида дунё туркологиясида шарафли ўринга эга. Кошғарийнинг исломдан илгариги ва илк ислом даври туркий маданият обидаларини тадқиқ этиш, тўплаш ва авлодларга етказиб беришдаги хизматлари ниҳоятда улкандир. Унинг тарих, этнография, география хусусидаги кенг билим доираси, тил ва адабиёт соҳасидаги қомусий салоҳияти, тадқиқ қудрати бугунги кунда ҳам ҳайратланарли.

Минтақамизда IX асрдан бошлаб ижтимоий, табиий, географик, филологик фанлар бўйича тадқиқотлар яратиш ишлари кучая бошлади. Айниқса, X асрнинг иккинчи ярмидан ҳокимиятни идора қилиш қорахонийлар сулоласидан бўлган ҳукмдорлар қўлига ўтиши билан маълум бир муддат сўниб қолган ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда яна жонланиш, ривожланиш бошланди, дунё саҳнасида туркий қавмларнинг мавқеи қайтадан ўса борди. Ана шу кезлардан бошлаб, Евроосиё қитъасида қорахонийлар номи билан тарихга кирган йирик империяга асос солинди. Бу эса туркий халқларнинг нуфузини ортишига ва бошқа элларнинг туркий тилни ўрганишга бўлган эҳтиёжини ошишига сабаб бўлди. Ана шу юзага келган эҳтиёжни қондириш йўлида XI асрнинг довруғли алломаси Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар девони”) асарини яратди. Асар ҳижрий 466 йили (мелодий 1074 йилда) ёзиб тугалланган. Кунимизгача “Девону луғатит турк”нинг битта қўлёзмаси сақланган. Уни ҳижрий 664 (мелодий 1266 йилда) котиб Муҳаммад ибн Абубакр ибн Абдулфатҳ ас-Савий ад-Дамашқий кўчирган. Котибнинг ёзишича, мазкур



қўлёзма Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қўли билан битилган нусхасидан кўчирилган.

Туркий тилни ўрганиш бўйича яратилган илмий тадқиқотларнинг энг эскиси Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» («Туркий сўзлар девони») асаридир. Ҳозиргача «Девону луғатит турк»нинг битта қўлёзмаси сақланган. Туркшуносларнинг асосий илмий манбаларидан бири бўлган бу асарни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, замонавий туркологиянинг муҳим масалаларидан бири саналади.

Туркшуносликда «Девон»да келтирилган материалининг ҳажми жиҳатидан ҳам, муаллифнинг филологик билими жиҳатидан ҳам унга тенг келадиган асар йўқ. Бунда туркий тиллар грамматикаси, лексикаси, фонетикаси, этнографияси, фольклори, социолингвистикаси, диалектологияси, дунёқарашига доир кенг маълумотлар, қабилаларнинг жойлашуви билан боғлиқ географик ва бошқа турли-туман маълумотлар мавжуд.

Маҳмуд Кошғарий Баласоғунда туғилиб, шу ерда йигитлик чоғларини кечирган бўлса ҳам, узоқ йиллар «Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухоро, ҳозирги Шимолий Афғонистонга қадар чўзилган» туркий ўлкаларнинг кўпларини - шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кезиб чиққан, турли шева ва лаҳжа хусусиятларини ўрганиб, уларни адабий тил билан чоғиштирган, ўз иши учун ниҳоятда бой материал тўплаган. Дадил айтиш мумкинки, туркий тиллар фонетикаси ва этимологиясининг асосий қонунлари XI асрдаёқ Маҳмуд Кошғарий томонидан аниқланган ва ўрганилган. Туркий тилшуносликнинг лексикология ва лексикографиясига ҳам Маҳмуд Кошғарий асос солган. Кошғарийнинг «Девон»и сингари асар фан оламида кейинги асрларда ҳам яратилган эмас. Унинг асари бамисоли «Туркий қомусдир».

«Девону луғатит турк» нинг бугунга қадар биргина нусхаси етиб келган. Ушбу нусха девон ёзилганидан икки юз йил ўтгач - 664 йил, шаввол



ойининг 27 да (1266 йил 1 август) совалик (дамашқлик) Муҳаммад ибн Абу Бакр Дамашқий номли котиб томонидан Кошғарий ўз қўли билан ёзган нусхадан кўчирилган. Мазкур нусханинг кунимизгача етиб келиши Али Амирий исмли туркиялик қадимий китоблар ихлосманди билан боғлиқ. У «Девону луғатит турк»нинг янги тарихини очиб берди.

Амирий 1913 йилда Истанбулда саҳҳоф Бурҳонбейдан девонни қийматини тўла англамай сотиб олади [1]. Бурҳонбейга бу варақлари эскириб титилган китобни собиқ молия вазири Аҳмед Назиф пошонинг қариндоши бўлган аёл олиб келади. 1905 йилда вафот этган собиқ вазир ўлимидан олдин бу аёлга китобни бериб жуда муҳтож қолганида ҳам 30 лирадан камига сотмаслигини васият қилган эди [2]. Назиф пошонинг қўлига китоб қандай тушиб қолгани тўғрисида тадқиқотлар шуни кўрсатадики, девон Абубакр Савий Дамашқий томонидан кўчирилгач, илк саҳифада номи қўшилган китоб эгаларидан бири Мисрлик Муҳаммад Хатиб Дарайяга ўтган [2]. Мисрни босиб олган турк султони Явуз Султон Салим барча ўлжалар – бойликлару хазиналар, ноёб моддий ва маънавий манбаларни сув йўли билан Тўпқопи саройига юборади. Девон шу тариқа Мисрдан Туркияга келиб қолади. Назиф пошонинг аждодлари саройда пошолик қилгани ҳисобга олинса, девоннинг тақдирига оид тахминлар ҳам келиб чиқади. Ҳозирда «Девону луғатит турк»нинг ягона нусхаси Истанбул Сулаймония кутубхонасида 4189 рақам остида сақланади.

Асар филологик тадқиқот бўлишига қарамасдан унда турли фанларнинг маълумотларига дуч келиш мумкин. Айниқса, асарда келтирилган турли-туман географик маълумотлар ва китобдаги ер шари харитаси кишини ҳайратга солади. “Девону луғатит турк” асарининг муқаддимасида “Турк табақалари ва қабилаларининг баёни ҳақида” деган бўлим бор. Ушбу бўлимда Маҳмуд Кошғарий ғарбдан бошлаб шарққа ёйилган туркий қабилалар тўғрисида хабар бера туриб, “бу қабилаларнинг турар жойларини бу доирада кўрсатдим” деган қизиқ бир маълумотни келтиради [4]. Асар



қўлёзмасида ҳам доира шаклидаги ер юзининг шарқий ярим шарига тўғри келувчи жуғрофий харита берилади. Муаллиф яна бир ўринда ана шу доира шаклидаги харитага ишора қилиб, “Рум ва Мочингача бўлган турк шаҳарларининг ҳаммасининг бўйи беш мингдан саккиз минг фарсаҳгача етади. Бу шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим”, дейди [5]. Маҳмуд Кошғарийнинг ушбу харитаси ҳозиргача дунё фанда маълум бўлган туркий халқларнинг географик тасаввурлари асосида яратилган энг қадимги хариталардан бири сифатида тан олинади [6].

Харитада ер юзи томонларининг жойлашуви ниҳоятда қизиқ. Хаританинг юқори қисмида шарқ – кунчиқар, пастда ғарб – кунботар, ўнгда жануб ва чапда шимол томони жойлаштирилган. Бу эса энг қадимги туркий халқларнинг оламнинг жойлашуви ҳақидаги “тўрт бўлунг” (тўрт томон) тўғрисидаги тасаввурлари билан боғлиқ. Туркий қавмларнинг дунё томонлари билан боғлиқ тушунчалари қадимги туркий битигларда яхши келтирилган [7]. Харитада томонларнинг бу кўринишда берилиши ҳам шарқ мусулмон географик билимларидан ажралиб туради. Мусулмон халқларининг географик тафаккурида асосий томон сифатида “ғарб, мағриб, кун ботар, қибла” олинади. Кошғарий харитасининг юқори қисмида “Аш-Шарқ (шарқ, кунчиқар)” деб кўрсатилган.

Шу ўринда харитада келтирилган бир географик ном мисолида Маҳмуд Кошғарий ва туркий халқларнинг юксак географик тафаккур ва тасаввурларини таҳлил этсак. Маҳмуд доира деб атаган хаританинг шарқ томонининг энг шарқий чеккасида Čabarqa деган топоним берилади.

Ушбу топоним остида аждоларимиз шарқдаги энг олис давлат кун чиқар юрт - Японияни назарда тутишган деган фикрлар илм аҳли орасида юради. Ушбу топоним анача йиллардан буён тадқиқотчиларни ҳам қизиқтириб келади. Атоқли рус тарихчиси В.Бартольд ушбу ном остида қадимги туркий халқлар ҳозирги Япония мамлакатини кўзда тутган деган, кўзқарашни илгари



сурган эди.

Ундан кейин немис шарқшуноси А.Герман ва тарихчи И.Умняков ҳам В.Бартольд фикрини қувватлашган [8]. Бироқ, айрим олимлар ушбу фикрга шубҳа билан қарашган. Чунончи, мусулмон шарқ тарихий географик мероси бўйича йирик олим И.Ю. Крачковский мазкур фикр у қадар ишонарли эмаслигини қайд этган [9]. Ўтган асрнинг 60- йилларида Čabarqa топоними остида қадимги туркий халқлар ҳақиқатдан ҳам, айнан, Японияни назарда тутилганини ўзбек олими, тарихий география бўйича таниқли олим Ҳ.Хасанов ёзма манбалар асосида исботлашга ҳаракат қилган [10].

Юқоридаги тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда Čabarqa топоними Японияга тўғри келишини бешта омилга асосланиб таҳлил этиш мумкин. Биринчи, японияликлар ўз юртларини “Ниппон” деб аташади. хитойликлар мазкур топонимни “Жибень (кун чиқар)” иероглифи билан беришади ва унга “го (мамлакат, давлат)” лексимасини қўшиб, Жибеньго (Япония) деб аташади. “Жабарқа” ва “Жибеньго” бир топинимнинг икки ҳил фонетик вариантидир.

Иккинчи, қадимги туркий халқларнинг географик билимлари юқори даржада бўлиб, кунчиқарда Čabarqa номли юрт борлигини аниқ-таниқ билишган. Чунки VI асрдаёқ туркий қавмлар Шарқий чегараси Корея ярим оролига туташ Сариқ денгиздан Ғарби – Қора денгизга қадар чўзилган улкан салтанат – Турк хоқонлигига асос солган эди [11]. Тарихдан туркий хоқонликнинг қаноти ва ҳимояси остида яшаган қавмлардан бири киданларнинг Японияга бориб турганлари тўғрисида ҳам қайдлар учрайди [12].

Учинчи, Аждодларимиздан ҳозирга қадар етиб келган ва бизнинг она тилимизда ёзилган энг эски ёзма ёдгорликлардан бири қадимги туркий-рун хатида тошларга ўйиб ёзилган туркум ёдгорликлар киради. Ёдгорликларнинг асосий қисми VI-VIII асрларда битилган. Мазкур ёзма обидаларда туркий халқларнинг географик тафаккури билан боғлиқ қимматли маълумотлар



учрайди. Чунончи, иккинчи кўк турк хоқонлиғининг асосчиси Элтариш хоқоннинг кичик ўғли, шаҳзода Кул тигин вафоти муносабати билан 732 йилда ўрнатилган битиг тошда туркий аждоларимизнинг шарқ томон билан боғлиқ жуғрофий тасаввурлари келтирилган. Мана ўша матн: İlgärü kün toğsuqa, birgärü kün ortusïŋaru, qurïğaru kün batsïqïŋa, yïrğaru tün ortüsïŋaru, anta ičräki bodun qo[p] m[äŋ]ä kör[ür...]n bunča bo[dunuğ] qop itdim. Ol amtï añïğ yoq.. – “Олдинга – кун чиқарга, ўнгга – жанубга, орқага – кун ботарга, чапга – шимолгача бўлган оралиқдаги халқ бутунлай менга қарайди. Шунча халқни шод этдим. У энди ёвуз эмас”. Битиг муаллифи фикрини давом эттириб ёзади: “İlgärü Šantuŋ yazïqa tägi sülädim, taluyqa kičig tägmädim”. – “Шарққа – Шантунг даштига қадар лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим” [13]. Энди ана шу жумлани таҳлил этсак. Матнда келган “Шантунг” топоними Хитойнинг энг шарқида Сариқ денгиз бўйида жойлашган ҳозирги Шаньдун провинциясидир. Мисолдаги taluyqa kičig tägmädim жумласини “денгизга бир оз етмадим”, деб ўгириш мумкин. Бу ердаги taluy – “денгиз” дейилганда, ҳозирги Сариқ ва Шарқий Хитой денгизи назарда тутилган. Мазкур ҳудудни яққолроқ тасаввур қилиш учун бу ҳудуднинг харитасини беришни ўринли деб биламиз.

Матндан шу далил келиб чиқадики, Турк хоқонлигининг қўшинлари шарқда – Шаньдун провинцияси ҳудудларини босиб олган ва ҳоқонликнинг энг шарқий чегараси сифатида ушбу ҳудуд қайд этилган. Туркий халқларнинг қўшинлари ана шу ҳудудда эканликларида Шаньдун провинциясидан кейинги Сариқ ва Шарқий Хитой денгизидан сўнг қуруқлик ҳудудлари борлигини эшитган бўлиши ва Япония тўғрисидаги ўзларида мавжуд географик билимларни ўша кезларда мукаммалаштирган бўлишлари мумкин. Чунки мазкур ҳудуд аҳолиси Япония мамлакати тўғрисида яхшигина маълумотга эга бўлган. Чунки илк ўрта асрлардаёқ IV – VI юзйилликларда Хитой ва Япония ўртасида маданий, маърифий алоқалар яхши йўлга қўйилган бўлган. Хитой иероглифик ёзувининг ёки буддавийлик



динининг шу ҳудуд орқали Японияга кириб бориши бу фикрларимизни тасдиқлайди. Рус японшуноси В.Гривниннинг тадқиқотларига кўра дастлабки босма китоблар ҳам VIII асрдан бошлаб Шаньдун провинцияси орқали кириб борган [14].

Юқоридаги маълумотлардан туркий халқларнинг Ислом дини кириб келгунга қадар ҳам географик билимлари юқори бўлгани ва Ислом дини кириб келиши билан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари Марказий Осиёдан кейинги Шарқ томондаги мамлакатлар, хусусан, Япония тўғрисидаги географик билимларни, айнан, туркий халқлардан ўрганган. Бунинг исботини кейинчалик яратилган асарларда аниқ кўрамиз.

Тўртинчи, Маҳмуд Кошғарий харитасининг маркази саналувчи Боласоғундан (ҳозирги Иссиққўл атрофлари) Японияга бўлган бўлган масофа билан Африкадаги Эфиопиягача (Билоди Ҳабаш) бўлган оралиқ масофа тенг. Ҳозирги замонавий хариталарда ҳам ушбу масофалар деярли тенг.

Бешинчи, энг асосийси, Маҳмуднинг девонда келтирган ўз изоҳи: “Čabarqa ликларнинг узоқда туриши, Māsīn билан уларни катта денгиз айриб тургани учун уларнинг тиллари билинмайди” (таъкид бизники – Қ.О.) [15].

Шу ўринда яна бир маротаба Маҳмуд Кошғарий асарига мурожаат қилсак. Маҳмуд девонда келтирган жой номларини қандай мезон асосида берганлигини ҳам изоҳлаб ўтган. У ёзади: “Китобда кўрсатилган тоғ отлари, кўл, водий, денгиз отлари фақат мусулмон шаҳарларидаги номлардир. У номлар ҳар вақт қўлланадиган ва машҳур бўлганлари учун ёздим. Машҳур бўлмаганларининг кўпларини тушириб қолдирдим. Мусулмон бўлмаганларидан баъзиларининг шаҳар номларини ҳам ёздим, баъзиларини қолдирдим. Машҳур бўлмаганларини ёзишдан фойда йўқ” (таъкид бизники – Қ.О.) [16]. Ушбу изоҳдан чиқадиган хулоса шуки, девондан ўрин олган “Жабарқа” топоними қадимги туркий қавмлар орасида машҳур бўлган ва бу ном остида ер юзининг энг шарқий қисмида жойлашган кун чиқар юрт –



Япония тушунилган.

Айни ўринда Ғарб олами Япония тўғрисидаги дастлабки маълумотларни итальян сайёҳи Марко Полонинг асарлари орқали билганлигини ҳам қайд этиш ўринли бўлади. Марко Поло кунчиқар юрт тўғрисидаги маълумотларни Ҳубилайхон саройида эшитган. У 1266 йили ҳоқон саройида яшаган. Тарихдан бизга яхши маълумки, Ҳубилайхон саройдаги асосий мулозимлар ва ҳоқон маслаҳатчилари туркий қавмларнинг вакллари эди. Шу боис, Марко Поло ҳам Япония номини туркий талаффуз асосида “Чипангу” шаклида ўз сайёҳатномасига киритган. Демак, Маҳмуд Кошғарий Марко Полодан икки юз йил олдин ўз харитасида Čabarqa топонимини келтирган ва кунчиқар юрт тўғрисидаги маълумотлар билан шарқ мусулмон олами вакларини таништирган.

Умуман, илк ва ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаган аждодларимизнинг географик билимлари ва тасаввурлари ниҳоятда юқори даражада бўлиб, унинг ёрқин намунасини, айнан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида учратамиз. Ҳатто, кейинчалик Ислом дини кириб келиши билан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари Марказий Осиёдан кейинги Шарқ томондаги мамлакатлар, хусусан, Япония тўғрисидаги географик билимларни, айнан, туркий халқлардан ўрганган.

Фойдаланилган адабиётлар:

[1]. Худойбердиев Ж. “Деврну луғати-т турк”: топилиши, таржималари ва ўрганилиши // Туркология масалалари.1. Илмий мақолалар тўплами.Т,2006. Б.60

[2]. Chichekli Ali. Kashgarli Mahmut. Divan-U Lugat-It Turk. May yayinlari genel kultur kitaplari 2. 1970. C 24

[3]. Dankoff, Robert, [with James Kelly] (1985), Mahmud al- Kashgari, Compendium of the Turkic Dialects (Diwan Lugat at- Turk) , edited and translated with oduction and indices. Cambridge, Mass.., Part I: 1982. P.8



[4]. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғатит-т-турк. Тошкент, 2017. 24-б.

[5]. Кошғарий Маҳмуд. Ўша аср. Тошкент, 2017. 25-б.

[6]. journals.rudn.ru/semiotics-semantics/article/download/16338/14664.

[7]. Қосимжон Содиқов. Қадимги турк фалсафаси. Тошкент, 2008. 104-107- б.

[8]. Hermann F. Die alteste, turkische welikarte, Imago mundi, Jahrbuch der alten Kartographie, I. Berlin, 1935. S. 21-28; Умняков И.И. Самая старая турецкая карта мира. «Труды Самаркандского ГПИ им. А.М. Горького». I., вып. 1, Самарканд, 1940, стр. 103-132.

[9]. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения в 6 тт. Том 4. Арабская географическая литература. М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1957, стр. 268.

[10]. Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Кошғарий. Т., 1963. 57-60- б.

[11]. Гумилев Л. Три исчезнувших народа. // Страны и народы Востока: География, этнография, история. - М., 1961. - Вып. II. - стр. 105.

[12]. Малов С.Е. Памятники Древнетюркской письменности. М., Л., 1951, стр., 27.

[13]. Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. Т., 2009. 31- б.

[14]. Гривнин В.С. Японская печатная книга VIII – первой половины XIX в. (Автореф. дис). М., 1962.

[15]. Маҳмуд Кошғарий. Ўша аср. Тошкент, 2017. 25-б.

[16]. Маҳмуд Кошғарий. Ўша аср. Тошкент, 2017. 24-б.

